



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 14 - oktyabr

8114 -son

**Bog‘ot shaharchasi**

Фуқаро Эшметова Шохсанам Абдуллаевнани вояга етмаган неваралари 2014 йил 2 февралда туғилган Бахтиёрова Интизор Сарварбек кизи ва 2015 йил 5 октябрда туғилган Бахтиёров Мизиёдбек Сарварбек ўғлига нисбатан васий этиб тайинлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонунининг 10, 42-моддалари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги низомнинг 9, 63, 66 ва 67-бандларига мувофиқ

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Васийлик ва ҳомийлик” комиссиясининг 2021 йил 7 апрелдаги хулосаси инобатга олинсин.

2. Богот тумани “Қумбадоқ” маҳалласида яшовчи фуқаро 1967 йил 15 мартда туғилган Эшметова Шохсанам Абдуллаевнани вояга етмаган неваралари 2014 йил 2 февралда туғилган Бахтиёрова Интизор Сарварбек кизи ва 2015 йил 5 октябрда туғилган Бахтиёров Мизиёдбек Сарварбек ўғлига нисбатан васий этиб тайинлансин.

3. Туман халқ таълими бўлими мудирини Т.Мирзаевга:

- Мазкур қарорни бир кун муддатда аризагўйга (тайинланган васийга) юбориш таъминлансин.

- Васий ва ҳомий ҳуқуқларининг амалга оширилишини ҳамда мажбуриятларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатсин.

- Васийликка олинаётган шахслар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар белгиланган муддатда давлат реестрига киритиш учун туман ҳокимлигига тақдим этилсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари Р.Шарипов зиммасига юклатилсин.

Богот тумани ҳокими

**Ш.Яхшибаев**